

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАШҚИ СИЁСИЙ ЙЎНАЛИШИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ

Жўраева Камола Сафиддиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари ўзаро фойдали бўлиб, асосий ташқи сиёсий ҳаракатларини 2012 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини Тараққиёт стратегиясида белгиланган энг муҳим соҳаларда кўриш мумкин.

Мамлакатнинг ташқи сиёсат соҳасида қўйидаги энг муҳим устувор йўналишларини шакллантирилгани диққатга сазовордир.

Жумладан, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўрни ва ролини янада мустаҳкамланиб, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириб, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатлар минтақасини яратмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, дунё ҳамжамиятига, шунингдек халқимизга ҳам мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб этиш ёш олиму, тадқиқчиларнинг илм ва амалиётдаги ўрнини белгилайжи.

Учинчидан, ёшларимиз учун ҳам бу халқаро ҳамкорлик муҳим ахамияттга эгадирки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти, халқаро ҳамкорлиқда таълим, тарихий меросимиз, маданиятимиз борасидаги шартномаларга қизиқишини ортиради. Ўзбекистоннинг Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араблар Амирликлари, Кувайт, Қатар, Ўмон, Баҳрайн, Иордания, Жазоир ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари тубдан янги даражага чиқмоқда. Шуни қайд этиш керакки, Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро фойдали ва ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Масалан, бу борада давлатлараро ўзаро ҳамкорликнинг яна бир намунаси, муҳим масалаларни қамраб олган тарихий учрашув Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Ас-Сисининг ҳамкорлик учрашуви бўлди.

Маълумки, инсониятнинг тарихий ривожланиши жараёнида ижтимоий-сиёсий тизимларнинг ўзгариши, халқларни мустақилликка бўлган интилиши, орзу-умидлари, миллийлик билан замонавийлик, умуминсоний қадриятлар билан, мусулмон урфодатлари билан халқаро ҳамкорлик ўртасида давлат ва жамият муносабатларининг тубдан ўзгариши эътиборга моликдир.

Қувонарли томони шундаки, ташрифи арафасида – 19 февраль куни Қохира шаҳрида Ўзбекистон – Миср бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва тармоқ бирлашмалари раҳбарлари ҳамда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 200 га яқин вакиллари иштирок этиб, халқлар ва давлатларнинг эртасини, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган натижаларга бой бўлган учрашувнинг аҳамияти каттадир. Ўтмишга назар солсак, Шарқ ва Farb давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни боғлашга хизмат қилган Буюк Ипак йўли ҳам иқтисодий ҳамда маънавий-маданий муносабатларга киришиш эҳтиёжи юзасидан пайдо бўлган десак, асло муболаға бўлмайди. Шу боис, давлатимиз халқаро майдонда тенг субъект бўлиб мамлакатимиз аҳолисининг манфаатларини илгари сурган ҳолда хорижий давлатлар билан ҳар томонлама муносабатларни жадал амалга ошироқда. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришиши унинг халқаро савдо-сотик муносабатларида бевосита ва тўлақонли субъект сифатида иштирок этиши учун жуда катта имкониятларни очиб берди.

Дархақиқат, “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини рўёбга чиқариш мақсадида божхона органлари тизимида маъмурӣ ислоҳотларни янада чуқурлаштириш айниқса, унинг халқаро хамкорлиқдаги харакатини янада такомиллатиришни тақозо қилмоқда.

Миср араб Республикаси билан муносабатлар стратегик даражага олиб чиқилди. Ўзбекистон — Миср муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий йўналишига тўлиқ мувофиқдир.

Жумладан, буни давлатимиз раҳбарининг жорий йилда қадим Шарқ давлатларидан бўлган Мисрда бўлган тарихий учрашувида кўриш мумкин. Ташрифнинг бошидаёқ энг катта эътиборни Қохирадаги буюк аллома бобомиз Аҳмад Фарғоний томонидан барпо этилган “Миқёси Нил” иншоотига қаратгани бўлди десак, муболаға бўлмайди, ҳамда Миср цивилизацияси миллий музейидаги эътибори ҳам диққатга сазовордир. Чунки тарихимиз-маънавиятимизнинг буюе бешиги бўлиб, буюк алломаларимизнинг амлга оширган ишлари бизни аллақачон Миср халқига ҳам танитганидадир. Мазкур масалага бугунги кундаги мантиқий изчиллик сифатида Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Шарқшунослик институти ҳамда Миср Миллий кутубхонаси ва архиви ўртасида ўзаро англашув меморандумларини қайд этиш жоиздир.

Шунингдек, ташрифнинг кульминацион дақиқалари ўзаро ҳамкорлини мустаҳкамлашдаги харакатларда яъни, икки давлат президентлари ҳузурида қатор икки томонлама шартномалар ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамланди.

Ўзбекистон – Миср бизнес-форуми якунлари бўйича кимё, энергетика, тоғ-кон саноати, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, саноат зоналарини, инфратузилмани ривожлантириш, қурилиш ва фармацевтика, қайта тикланувчи электр манбалари, ахборот-коммуникация технологиялари, туризм

каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Миср қитъанинг асосий дарвозаси саналади. Бу мамлакатда логистика анча ривожланган. Ҳозир бу ерда йирик логистика маркази қурилмоқда. Ўзбекистондан келтирилган товарлар марказда тўпланиб, Африка ва Европага олиб чиқилиши минглаб иш ўринларини яратиади, халқимиз фаровонлигига яна бир қадам устунликка йўл десак, муболаға бўлмайди.

Иккинчидан, халқимиз саломатлигига эътибор давлат сиёсатининг бош мақсади бўлиб, унга кўра Мисрда бугун тиббиёт соҳаси, хусусан фармацевтика ривожланган бир пайтда мазкур соҳадаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зоро, 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатали таълим йили бўлий, илм-фан Шарқ Уйғониш даврида бизни дунёга танитган энг катта ютуҳимизнинг исботи сифатида Ал-Фарғонийнинг тарихий хизмати ҳам Миср ва Ўзбекистоннинг аоссий пойдевори бўлгани айни ҳақиқатдир.

Учинчидан, 2018 йилда Ўзбекистонда ўтказилган икки мамлакат ҳукумат ва вазирликлари ўртасида туризм, инвестиция, солик, адлия, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга оид 12 та шартнома имзоланган бўлса, бу йилгиси унинг мантиқий давоми бўлди. Яна бир муҳим жараён инвестициявий битимлар ва савдо шартномалари орасида Порт-Саид шаҳрида кейинчалик Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига экспорт қилишга мослашган ўзбек тўқимачилик корхоналарини ташкил этишгаоид ҳамкорлик ҳақидаги келишув, Ўзбекистон халқининг эртангги истиқболли кунига халқаро эътироф деса бўлади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёning етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат. Бундай ёндашув иқтисодиётни модернизациялаш, барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, Марказий Осиёда ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни яратиш вазифаларининг самарали ҳал қилинишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон ҳамкорлиги жараёнида муқаддас ислом қадриятларини сақлаш ҳамда ривожлантириш, мусулмон халқлар ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш, уларнинг тараққиёти ва равнақига ўз ҳисасини қўшмоқда. Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, бундай юқори даражали алоқалар туфайли янги Ўзбекистон иборасининг эътироф этилиши, Марказий Осиё руҳи деган иборанинг кенг қўлланилиши Ўзбекистонни дунёning етакчи давлатлари билан муносабатларни тубдан янги даражага олиб чиқмоқда.

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. – 2022 йил 20 декабрь.